Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 16 март, № 53 (7833) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КУН ТАРТИБИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг учун ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қабул қилинган “Йўл харитаси” доирасида саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш ҳамда чегараолди туманларда самарали транспорт коммуникациялари ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва таълим соҳаларида ҳукуматлар, манфаатдор идора ва ташкилотлар даражасида фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Суҳбат якунида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳорий айём — Наврўз муносабати билан бир-бирини самимий табриклаб, биродар халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА.

ТАШҚИ МИГРАЦИЯ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ)нинг Марказий Осиёдаги субминтақавий мувофиқлаштирувчиси Зейнал Гаджиев билан учрашди.

Ҳамкорлик

Унда Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб иш жойи ва меҳнат шароитларини яратиш, ташқи миграция борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда келгусидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, фуқароларимизнинг чет давлатларда ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси, муносиб иш ўрни яратиш, одам савдоси қурбонларини юртимизга қайтариш, ноқонуний миграция ҳамда бошқа йўналишлардаги ишлар кенг таҳлил қилинди.

З. Гаджиев сўнгги йилларда Ўзбекистонда чет элда ишлаётган меҳнат муҳожирлари ҳуқуқлари муҳофазаси ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

2

«Халқ сўзи» учун махсус

АҚШ қонун чиқарувчилари:

ЖЕКСОН-ВЭНИК ТУЗАТИШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ БУТУНЛАЙ БЕКОР ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчиси Жавлон Ваҳобов икки томонлама савдо-сотиқдаги чекловларни бекор қилиш ва мамлакатимизга нисбатан Жексон-Вэник тузатиши қўлланилишини бутунлай олиб ташлаш бўйича саъй-ҳаракатлар доирасида АҚШ Конгресси вакиллари билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

АҚШ Вакиллар палатасидаги «Ўзбекистон бўйича кокус»нинг ҳамраиси, Миссисипи штатидан сайланган конгрессмен Трент Келли мулоқот чоғида унинг идорасига Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасидан тегишли мурожаат келиб тушганини тасдиқлади. Конгрессмен сўзларига кўра, парламентнинг ушбу масала билан шуғулланадиган қўмитаси Ўзбекистон томонидан тақдим қилинган республикага нисбатан Жексон-Вэник тузатишининг қўлланишини бекор қилишга асос бўладиган далилларни диққат билан ўрганиб чиқди.

2

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲАМДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАРМОҒИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 март куни Қашқадарё вилоятида ҳамда электр энергияси тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Қашқадарё вилоятида ҳамма тармоқлар бўйича салоҳият юқори. Саноат учун зарур хом ашё ресурслари, хизмат кўрсатиш учун инфратузилма, қишлоқ хўжалиги учун ер-сув ва тажриба бор. Шулардан келиб чиқиб, тўқимачилик, қурилиш материаллари, кимё ва озиқ-овқат саноати, туризм, узумчилик, боғдорчилик ва чорвачилик асосий “ўсиш нуқталари” сифатида белгилаб олинган.

Жорий йил учун умумий қиймати 11 триллион 300 миллиард сўм бўлган 1 минг 125 та ҳудудий лойиҳа шакллантирилган. Хусусан, саноат соҳасида 296 та, хизмат кўрсатишда 449 та, қишлоқ хўжалиги тармоғида 380 та корхона ташкил этилиши режалаштирилган. Бунда иқтисодий самарадорлик ва бандликка алоҳида эътибор қаратилган. Бўлғуси корхоналарда йилига 6 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилади. Бу 131 миллион долларлик импорт ўрнини босиш, 180 миллион долларлик экспорт қилиш имконини беради. 19 мингдан зиёд кишилар иш билан таъминланади.

Масалан, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 26 та лойиҳа таклифи билдирилган. Шундан 10 таси тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Буларнинг натижасида пахта хом ашёсини вилоятнинг ўзида қайта ишлаш даражаси сезиларли ошади. Биргина шу тармоқда 7 минг 600 дан зиёд иш ўринлари ташкил этилади.

Қашқадарёда йилига 106 минг тонна гипсокартон, 102 минг квадрат метр кафель ва бошқа қурилиш материалларига талаб бор. Лекин керакли хом ашё бўлишига қарамай, вилоятда бу маҳсулотлар умуман ишлаб чиқарилмас эди. Шу боис бу соҳада бир нечта лойиҳа режалаштирилган.

Мисол учун Чироқчи туманида 210 миллиард сўмлик лойиҳа эвазига гипсокартон, пардозбоп тошлар, газобетон, темирбетон конструкциялар ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бунинг натижасида уй-жойлар қурилишида 1 квадрат метр таннархини 25 фоизгача қисқартириш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, Чироқчи туманида кафель ишлаб чиқариш, Шаҳрисабз шаҳрида гранит ва мармарни қайта ишлаш бўйича лойиҳалар ҳам бор.

Қашқадарёнинг тоғли туманлари мевасабзавот, узум, картошка, каврак каби бозорбоп маҳсулотлар етиштиришга, дашт ҳудудлар чорвачиликка ихтисослаштирилган. Жумладан, Нишон туманида чорва комплекси ташкил этиб, сутни қайта ишлаш бўйича 110 миллиард сўмлик лойиҳага киришилган. Бу мажмуада 614 бош наслли қорамол боқилиб, йилига 5 минг 760 тонна сут маҳсулотлари тайёрланади. 230 нафар қишлоқ аҳолиси ишли бўлади.

Шаҳрисабз туманининг тоғолди қишлоқларида картошка ва сабзавотлар етиштириш лойиҳалари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим. Бунинг учун аҳолига ер ажратиб берилиб, маҳсулотлар кооперация асосида сотиб олинади. Ҳисоб-китобларга кўра, шу ҳудуднинг ўзидан вилоятда картошкага бўлган талабнинг 34 фоизини таъминлаш мумкин. Бу ишларга 6 минг 500 дан зиёд аҳолини жалб этиб, уларга даромад манбаи яратиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни бир-бирига яқин, ихчам жойлаштириб, коммуникация харажатларини камайтириш, ҳудудий корхоналарни йирик саноат тармоқлари билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳар бир лойиҳа замирида аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ётгани учун уларга маблағларни тезроқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда жорий йилда электр энергетикаси соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Маълумки, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни таъминлаш мақсадида эскирган подстанциялар ва узатиш тармоқлари босқичма-босқич янгилаб келинмоқда.

Хусусан, бу йил магистраль электр тармоқлари бўйича умумий қиймати 140 миллион доллар бўлган 6 та лойиҳа режалаштирилган. Улардан бири 14 та подстанцияни модернизация қилиш лойиҳасидир. Бунинг самарасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 1 минг 430 МВт қўшимча қувват яратилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу подстанциялардаги йиллик электр энергияси исрофи 1,5 миллион долларга, таъмирлашга сарфланадиган харажатлар қарийб 16 миллион долларга камаяди. Ҳисобга олиш тизимидаги хатоликлар барҳам топади.

Қолган 5 та лойиҳа янги подстанциялар ва магистраль электр узатиш тармоқларини қуриш ҳамда тиклашга қаратилган.

Паст кучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар белгиланган. Хусусан, 15 минг километр электр узатиш тармоқларини, 4 мингта трансформаторни янгилаш чоралари кўрилган. Бу ишлар натижасида юртимиздаги 5 минг 377 та маҳалланинг электр таъминоти яхшиланади.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уларни сифатли бажариш, электр энергияси таъминоти барқарорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА.

Бу сўзга луғатларда “қатъият, букилмас ирода, ўз эътиқоди ва маслагида мустаҳкам туриш”, дея изоҳ берилади. Инсонга хос ана шундай фазилатлар мамлакат миқёсида ҳам барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, танланган йўлдан оғишмай, тараққиёт сари дадил боришни англатади.

Долзарб мавзу

«COVID йили»

Роппа-роса бир йил аввал расмий манбалар тарқатган хабар ҳаётимизни бутунлай ўзгартириб юборганди. Яъни 2020 йилнинг 15 март куни коронавирус инфекциясига чалинган биринчи юртдошимиз қайд этилди.

Бу хабарни кутилмаган деб бўлмасди. Негаки, ҳали фанга номаълум бўлган “тождор” вирус турли давлатларга биринкетин “ҳужум” уюштирар, шунинг учун ҳам у аҳолиси 34 миллион бўлган, дунё ҳамжамиятига фаол интеграциялашган давлатни мўъжизавий тарзда четлаб ўтиши мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди...

Одамлар ҳаётини ва барқарорликни сақлаб қолишнинг ягона йўли — пандемиянинг кечиши ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш эди. Ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг алоҳида фармойиши билан шу йўналишдаги ишлар бошлаб юборилди.

Аслида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси бундан бир ярим ой аввалроқ тузилган эди. Шундан сўнг бошқа давлатлар билан қатновларни тўхтатиш, болалар боғчалари ва олий ўқув юртларини ёпиш тўғрисидаги қарорлар чиқди. Ҳа, иш ва ўқишнинг онлайн тартибга ўтказилиши, шунингдек, карантин даврининг бошқа оғир чекловларини қандай ўтказганимиз ҳамманинг ёдида.

4

Ўзбекистон — Германия:

ИШОНЧЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛИК

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган саммит якунлари халқаро ҳамжамият, кенг жамоатчилик, хусусан, парламент аъзолари диққат-эътиборида бўлди.

Унда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан қизғин фикр алмашилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз нуқтаи назарларини билдирди.

Муносабат

Дилором ФАЙЗИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси:

— Бўлиб ўтган музокараларни депутатларимиз ҳам катта эътибор билан кузатди.

Айни пайтда дунёдаги оғир эпидемиологик вазият туфайли юзага келган инқироз шароитида давлатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ришталарни янада кенгайтириш масалалари мамлакатларимиз сиёсий ва жамоат доиралари, шунингдек, яқин ҳамда узоқ хориж мамлакатларида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Қарийб ўттиз йил давомида мустақил Ўзбекистоннинг асосий шерикларидан бўлган Германия мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Сўнгги йилларда кузатилган икки томонлама муносабатларнинг барқарор динамикаси икки йил олдин Берлинда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар давомида эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар натижасидир.

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳар доим икки давлат раҳбарларининг диққат марказида бўлиб келган. Дўстона ҳамда конструктив руҳда ўтган музокаралар мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасидаги келгуси алоқаларни янада фаоллаштириш учун қулай замин яратмоқда. Ўзбекистон ва Германия вакилларининг мунтазам учрашувлари ҳамда биргаликда олиб бораётган амалий ишлари, ўз навбатида, дўстликнинг янги йўналишларига асос солиш билан энергетика соҳаси, хусусан, унинг қайта тикланадиган манбаларидан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш, саноат кластерларини ривожлантириш, рақамлаштириш ҳамда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилиши аниқ. Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари ва молия институтлари фаолиятининг кенгайтирилиши кутилаётганлиги икки давлат раҳбарлари музокараларидан маълум бўлди.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экологик аудит тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 26 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 12 мартда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экологик аудит соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик

Экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик аудит тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

экологик аудит – экологик аудит субъекти амалга оширадиган хўжалик ва бошқа фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш юзасидан экологик аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган тизимли, ҳужжатлаштирилган, мустақил баҳолаш;

экологик аудитор – экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

экологик аудитнинг буюртмачиси – экологик аудит ўтказиш ташаббуси билан чиқувчи хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори иштирокчилари ва (ёки) акциядорлари;

экологик аудиторнинг малака сертификати – экологик аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

экологик аудит объекти – экологик аудит субъектининг атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган хўжалик ва бошқа фаолияти, шунингдек унинг атроф-муҳитни бошқариш тизими;

экологик аудит субъекти – маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширувчи, ишларни бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи, ўзида экологик аудит ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект ва бошқа ташкилотлар;

экологик аудиторлик ташкилоти – экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс;

экологик аудиторлик фаолияти – экологик аудиторлик ташкилотининг экологик аудит ўтказишни ва турдош хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган тадбиркорлик фаолияти;

экологик аудит хулосаси – экологик аудит буюртмачисига йўлланган, ўтказилган экологик аудит жараёни, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг аниқланган бузилишлари, ўтказилган лаборатория синовларининг натижалари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ҳамда экологик аудит ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотни ўз ичига олган ҳужжат.

4-модда. Экологик аудитнинг асосий принциплари

Экологик аудитнинг асосий принциплари мустақиллик, холислик, махфийлик ва ишончлиликдан иборатдир.

5-модда. Экологик аудит стандартлари

Экологик аудит стандартлари экологик аудитни ўтказиш, турдош хизматлар кўрсатиш ва экологик аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Миллий экологик аудит стандартлари экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир ягона талабларни белгилайди.

Экологик аудиторлик ташкилотлари экологик аудитни ўтказиш чоғида шартномага мувофиқ халқаро экологик аудит стандартларини қўллаши мумкин.

6-модда. Экологик аудитнинг асосий вазифалари

Экологик аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

экологик аудит субъекти хўжалик ва бошқа фаолиятининг экологик жиҳатлари тўғрисидаги ишончли ахборотни тўплаш;

(Давоми 2-бетда).

Қонунчилик палатаси қўмитасида

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган “Жамиятда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуининг амалдаги ижроси” юзасидан Адлия вазирлиги ҳамда бошқа масъул ташкилотларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Таъкидланганидек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири — ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдир. Ҳуқуқий онг фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиш ҳамда талаб қилиш, адолат излаш, ҳукуматни ҳисобдорликка чақириш йўлида қуроллантиради. Бугун мансабдорларнинг ҳисобдорлиги ошгани, ахборот алмашинувининг тезлашгани, яъни катта ҳажмдаги ахборотлар информацион майдонда айланаётгани очиқ-ошкоралик белгиси.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 16 март

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Экологик аудит тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

экологик аудит субъектининг хўжалик ва бошқа фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш;

экологик аудит субъекти томонидан амалга ошириладиган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини камайтириш;

атроф-муҳитни бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш;

экологик аудит хулосасини тузиш, экологик аудит субъекти томонидан амалга ошириладиган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек атроф-муҳитни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

7-модда. Экологик аудит ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Экологик аудит қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган экологик назоратнинг ўрнини босмайди.

Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилоти ва экологик аудит буюртмачиси ўртасида тузиладиган, экологик аудит ўтказиш муддатлари ва бошқа шартлари белгиланадиган шартнома асосида ўтказилади.

Экологик аудит экологик аудит субъектининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги бутун фаолиятига ёки унинг алоҳида қисмига нисбатан ўтказилиши мумкин.

Экологик аудит субъектининг фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат экология қўмитаси деб юритилади) томонидан бир йил давомида текширилмайди, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Экологик аудит субъектининг фаолияти техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда экологик аудит субъекти аниқланган қоидабузарликларни бир ойлик муддатда бартараф этиши шарт.

Авариялар ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда, шунингдек жиноят ишларини тергов қилиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи муносабати билан Давлат экология қўмитаси томонидан ўтказилган экологик аудитнинг факти ва натижаларидан қатъи назар текширув ўтказилиши мумкин.

8-модда. Экологик аудит шакллари

Экологик аудит ихтиёрий ёки мажбурий шаклда ўтказилиши мумкин.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи кам бўлган ёки унчалик кўп бўлмаган (локал таъсирга эга) экологик аудит субъектларининг фаолиятига нисбатан экологик аудит ихтиёрий тартибда ўтказилади.

Атроф-муҳитга юқори ва ўртача таъсир кўрсатиш хавфига эга бўлган экологик аудит субъектлари ҳар йилги мажбурий экологик аудитдан ўтказилиши лозим.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш хавфи даражаси бўйича фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ихтиёрий экологик аудит экологик аудит буюртмачисининг ташаббусига кўра ўтказилади.

Мажбурий йиллик экологик аудит экологик аудит субъектининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги бутун фаолиятига нисбатан ўтказилади.

9-модда. Экологик аудит хулосаси

Экологик аудит ўтказиш якунлари бўйича экологик аудит хулосаси тузилади.

Экологик аудит хулосаси аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир тавсияларни, шунингдек экологик аудит субъекти томонидан амалга оширилаётган табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олиши керак.

Экологик аудит хулосаси махфий ҳужжатдир ва у экологик аудит буюртмачисининг розилигисиз ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

Экологик аудит хулосасининг ҳар бир саҳифаси экологик аудитни амалга оширган экологик аудитор (экологик аудиторлар) ва экологик аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак.

Экологик аудит хулосасининг шакли ва мазмуни экологик аудит стандартларида белгиланади.

10-модда. Экологик аудиторлик ташкилотлари

Экологик аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилдир.

Экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома фақат экологик аудиторлик ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда тузилади.

Экологик аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек улар ходимларининг фаолиятига мустақил экологик аудитни амалга оширишга монелик қилиш мақсадида аралашишга ҳамда қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар экологик аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Экологик аудиторлик ташкилотлари ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин, бундан акциядорлик жамияти мустасно.

Экологик аудиторлик ташкилотига ушбу экологик аудиторлик ташкилоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган экологик аудитор раҳбар бўлиши мумкин.

Экологик аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Экологик аудиторлик ташкилотлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Экологик аудиторлик ташкилоти бошқа экологик аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин эмас ҳамда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бирор-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас.

11-модда. Экологик аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Экологик аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит субъектига нисбатан экологик аудит ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун унинг таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари билан олдиндан танишиш;

экологик аудит субъектининг асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек уларнинг ҳақиқий ҳолати ва иш самарадорлигини ўрганиш;

зарур ўлчовлар ўтказиш, намуналар олиш ва ўзининг аккредитациядан ўтган лабораториясида ёки бошқа аккредитациядан ўтган лабораторияда лаборатория синовларини ўтказиш;

экологик аудит ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган шахслардан тушунтиришлар ва экологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олиш;

экологик аудит ўтказишда иштирок этишга бошқа мутахассисларни эксперт сифатида жалб қилиш;

экологик аудит билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш.

Экологик аудиторлик ташкилоти қуйидаги турдош хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин:

а) атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатганлик учун тўлов ҳисоб-китобининг тўғрилигини текшириш;

б) қуйидаги масалалар юзасидан таҳлил қилиш ва маслаҳат бериш:

табиий ресурслардан фойдаланиш ва (ёки) атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тўғрисида ҳисоботлар тузиш;

табиатни муҳофаза қилишга оид фаолиятни ва тадбирларни режалаштириш, амалга ошириш ҳамда натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқаришга доир экологик назоратни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижалари тўғрисида ҳисоботлар тузиш;

атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш бўйича илғор технологиялар ва усулларни жорий этиш;

в) атроф-муҳитга етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш.

Экологик аудиторлик ташкилоти:

экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

штатида асосий иш жойи экологик аудиторлик ташкилоти бўлган камида тўрт нафар экологик аудитор мавжуд бўлишини таъминлаши;

экологик аудиторлик ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисига эга бўлиши;

экологик аудит хулосасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилиши ҳолатини бартараф этиш бўйича тавсияларни акс эттириши;

экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир тегишли ҳужжатларни экологик аудит буюртмачисининг талабига кўра тақдим этиши;

экологик аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

экологик аудит натижаларини экологик аудит стандартларига биноан расмийлаштириши ва экологик аудит хулосаларининг нусхаларини экологик аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақлаши;

экологик аудиторлар иши сифатининг назоратини таъминлаши шарт.

12-модда. Экологик аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Экологик аудиторлик ташкилоти била туриб сохта тузилган экологик аудит хулосасини тузиши оқибатида етказилган зарар учун экологик аудит буюртмачиси олдида жавобгар бўлади.

Экологик аудитнинг экологик аудит ўтказмасдан тузилган ёки экологик аудит натижалари бўйича тузилган, аммо экологик аудитор (экологик аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган ҳужжатлар мазмунига мувофиқ бўлмаган хулосаси била туриб сохта тузилган ҳисобланади.

Сифатсиз ўтказилган ёки лозим даражада ўтказилмаган экологик аудит натижасида экологик аудит буюртмачисига етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланиши лозим.

13-модда. Экологик аудит ўтказиш чоғидаги чекловлар

Қуйидагиларга экологик аудит ўтказиш тақиқланади:

экологик аудит субъектининг мансабдор шахслари билан яқин қариндошлик муносабатларида бўлган шахсга;

экологик аудит субъектига нисбатан мулкий ёки шахсий номулкий манфаатлари бор шахсга;

Давлат экология қўмитасининг мансабдор шахсларига;

экологик аудит субъектининг ходимига.

Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилотлари ва экологик аудиторлар томонидан қуйидагиларга нисбатан ҳам ўтказилмайди:

ушбу экологик аудиторлик ташкилотининг мулкдорлари, иштирокчилари, кредиторлари, суғуртачилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек ушбу экологик аудиторлик ташкилотлари ва экологик аудиторлар ўзига нисбатан мулкдор, иштирокчи, акциядор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

ўз мулкдори, иштирокчиси, акциядори, шунингдек табиатни муҳофаза қилишга оид фаолиятни ташкил этиш ва юритиш учун жавобгар бўлган шахси бир вақтнинг ўзида мазкур экологик аудиторлик ташкилотининг мулкдори, иштирокчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

ўз ходими бир вақтнинг ўзида мазкур экологик аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган экологик аудит субъектига нисбатан.

Экологик аудиторлик ташкилоти айни бир экологик аудит субъектида кетма-кет уч мартадан ортиқ экологик аудит ўтказишга ҳақли эмас.

14-модда. Экологик аудиторга қўйиладиган талаблар

Экологик аудиторга қуйидаги талаблар қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг мавжудлиги;

тегишли соҳага оид олий маълумотнинг мавжудлиги;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ёки турдош соҳаларда кетма-кет камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиш;

экологик аудитор малака сертификатининг мавжудлиги.

Экологик аудитор аризасида кўрсатилган фаолиятни фақат битта экологик аудиторлик ташкилотида амалга оширишга ҳақли.

Экологик аудиторларни тайёрлаш, шунингдек экологик аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Экологик аудиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Экологик аудитор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни олиш;

экологик аудитга тақдим қилинган, экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган материалларни рад этиш.

Экологик аудитор:

экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида экологик аудит тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

экологик аудит натижаларини экологик аудит стандартларига биноан расмийлаштириши;

экологик аудит ўз вақтида, комплекс тарзда, холисона, сифатли ўтказилишини, шунингдек экологик аудит хулосаси расмийлаштирилиши ва берилишини таъминлаши;

экологик аудитнинг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиш ҳақида арз қилиши;

экологик аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

16-модда. Экологик аудитор ёрдамчиси

Экологик аудитор ёрдамчиси экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлмаган, экологик аудиторлик ташкилотида ишлайдиган ҳамда экологик аудит хулосасига имзо қўйиш ҳуқуқисиз, экологик аудиторлик ташкилотининг топшириғига кўра экологик аудитда иштирок этадиган жисмоний шахсдир.

Экологик аудитор ёрдамчисига нисбатан экологик аудит ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти татбиқ этилади.

Экологик аудитор ёрдамчиси сифатида ишлаш вақти экологик аудиторнинг малака сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига киритилади.

17-модда. Экологик аудит буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Экологик аудит буюртмачиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудит ўтказиш учун экологик аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлаш;

ихтиёрий экологик аудит чоғида экологик аудитнинг йўналиши ва иш ҳажмини белгилаш;

экологик аудиторлик ташкилотидан экологик аудит хулосаси қайси қонунчилик ҳужжатлари нормаларига асосланганлиги тўғрисидаги зарур ахборотни олиш;

экологик аудит хулосасини олиш.

Экологик аудит буюртмачиси:

экологик аудиторларга экологик аудитни ўтказиш учун тегишли шарт-шароитлар яратиши;

экологик аудитни ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни тақдим этиши;

экологик аудит режасини тасдиқлаши;

экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ экологик аудит ўтказиш хизматлари учун ҳақ тўлаши шарт.

18-модда. Экологик аудит субъектининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Экологик аудит субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

экологик аудитнинг йўналиши, иш ҳажмлари ва режаси билан танишиш;

экологик аудиторлардан табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, экологик аудит ўтказиш чоғида аниқланган камчиликлар ҳамда қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар олиш.

Экологик аудит субъекти:

экологик аудиторларни экологик аудитни экологик аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда ўтказиши учун тегишли шарт-шароитлар билан таъминлаши;

экологик аудиторларга технологик асбоб-ускуналарнинг ишга яроқлилиги ва самарадорлигини аниқлаш нуқтаи назаридан кўздан кечириши, чиқиндилар тўпланадиган ва сақланадиган жойларни, атмосфера ҳавосини, сув ва ер ресурсларини ифлослантирувчи манбаларни текшириши, биологик ресурсларни сақлаш мақсадида ҳудудни ўрганиши, шунингдек лаборатория синовларини ўтказиш учун зарур бўлган намуна ва нусхалар олиши учун имконият бериши;

экологик аудит жараёнида аниқланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилишларини бартараф этиши шарт.

19-модда. Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри ва Экологик аудиторларнинг реестри

Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри экологик аудиторлик ташкилотларининг рўйхатини ўз ичига олади ва Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Экологик аудиторларнинг реестри экологик аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган экологик аудиторларнинг рўйхатини ўз ичига олади ва Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Экологик аудиторлик ташкилотларининг реестри ва Экологик аудиторларнинг реестрини юритиш тартиби, унинг шакли ҳамда унга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари

Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари экологик аудиторларни ихтиёрий асосда бирлаштирадиган нодавлат нотижорат ташкилотларидан иборатдир.

Экологик аудиторлар жамоат бирлашмаларининг фаолияти экологик аудиторларнинг касбий даражасини ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга, уларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари:

экологик аудиторларнинг жамоат бирлашмалари аъзоларининг ҳисобини юритади ва улар ҳақидаги маълумотларни ўзининг веб-сайтларига жойлаштиради;

экологик аудиторларни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

экологик аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади;

экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Экологик аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Экологик аудит тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Давлат экология қўмитаси ва манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 март
№ ЎРҚ—678

АҚШ қонун чиқарувчилари:

ЖЕКСОН-ВЭНИК ТУЗАТИШИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ БУТУНЛАЙ БЕКОР ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

1

Т. Келлининг сўзларига кўра, ушбу қўмитадан олинган тавсиялар асосида конгрессмен мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистонга нисбатан қўлланилишини тўхтатиш тўғрисидаги таклифни ўз ичига олган резолюция лойиҳасини тайёрлаган ва ушбу ҳужжат АҚШ Вакиллар палатаси Ташқи ишлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

«Ўзбекистон бўйича кокус»нинг яна бир аъзоси, Небраска штатидан сайланган республикачи конгрессмен Дон Бэкон ҳам Вакиллар палатасининг Ўзбекистонга нисбатан ушбу тузатиш қўлланилишини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Канзас штатидан сайланган Конгресс аъзоси Рон Эстес Жексон-Вэник тузатишини ўтган аср акс садоси, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, бу собиқ иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатларга, шу жумладан, 30 йил олдин тарқаб кетган мамлакатга қўлланилган чеклов чораларининг сабаблари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган Ўзбекистонга нисбатан қўлланилмаслиги керак. Конгрессмен тегишли қўмитада ушбу масала бўйича мунозаралар бошлашини маълум қилди. Бундан ташқари, Рон Эстес Бюджет ишлари бўйича қўмита аъзолари, шунингдек, АҚШ савдо вакили идораси ва мамлакатнинг бошқа тегишли тузилмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёрлигини билдирди.

АҚШ Конгрессидаги «Аёллар кокуси»нинг ҳамраиси, Пуэрто-Рикодан сайланган республикачи конгрессмен Женнифер Гонсалес Колон таъкидлашича, Жексон-Вэник тузатишининг Ўзбекистонга нисбатан қўлланишининг олиб ташланиши жуда кечикмоқда, чунки мамлакатда азалдан бошқа миллат вакилларига дўстона муносабатда бўлиб келинган, яҳудийларнинг ҳаракатланиш эркинлиги чекланмаган. У конгрессмен Трент Келли билан биргаликда мазкур тузатишнинг Ўзбекистонга нисбатан қўлланишини тезлик билан бутунлай бекор қилиш масаласини илгари суришини қайд этди.

АҚШ Сенатининг Халқаро муносабатлар қўмитаси ва Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар қўмитаси масъул ходимлари Ҳанна Тоберн, Кейт Сэдлер, Филлип Беднарчик ва София Жон ушбу масала бўйича қарор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва инсон ҳуқуқларига оид соҳалардаги вазият, меҳнаткашлар ҳуқуқлари, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, савдо тўсиқларини олиб ташлаш ва божхона тарифларини енгиллаштириш жабҳасидаги ижобий ўзгаришлар, АҚШ билан ҳамкорлик ҳолати пухта ва ҳар томонлама ўрганилгандан сўнг қабул қилинишини таъкидлади.

Конгресс вакиллари элчихонанинг ушбу тузатишни Ўзбекистонга нисбатан бекор қилиш ташаббусини илгари суришда ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

Уларнинг фикрига кўра, собиқ тузум даврида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи чегараланган яҳудий миллатига мансуб аксарият аҳоли узоқ вақтдан бери тарихий ватани — Исроилга, шунингдек, АҚШ ва Канадага кўчиб кетган. Конгресс ходимлари, шунингдек, парламентнинг бошқа вакилларини Вакиллар палатасининг ушбу тузатишни бекор қилиш тўғрисидаги ташаббусини илгари суриш жараёнига жалб қилишини билдирди.

Элчихона маълумотига кўра, АҚШ Савдо вакили идораси Ўзбекистоннинг мамлакатни Жексон-Вэник тузатиши таъсиридан олиб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлайди. Ушбу тузатиш амалиёти Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик руҳи, ўзаро муносабатларнинг бугунги изчиллиги, шунингдек, Ўзбекистон раҳбариятининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича саъй-ҳаракатларига мос келмайди, деб ҳисоблайди.

Элчихонадан хабар берилишича, жорий йил апрель ойида Конгрессда АҚШ Савдо вакили идораси вакиллари иштирокида махсус брифинг ўтказиш режалаштирилган. Анжуман мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва бозор иқтисодиётини шакллантириш соҳаларида қўлга киритилган ютуқларга бағишланади. Бу ҳам Жексон-Вэник тузатишининг Ўзбекистонга нисбатан қўлланишини бекор қилишдаги қадам бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Жексон-Вэник тузатиши 1974 йилда Конгресс аъзолари Г. Жексон ва С. Вэник томонидан 1974 йилги Савдо тўғрисидаги қонунга киритилган ҳуқуқий қоидадир. Тузатиш эркин эмиграцияни чеклаш ва давлат антисемитизм сиёсатини олиб борган мамлакатларга қарши савдо ва молиявий чекловларни жорий этиш мақсадида қабул қилинган. Собиқ иттифоқ тугатилгандан сўнг ушбу тузатиш МДҲ давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам автоматик тарзда татбиқ этилган. Унга кўра бозор иқтисодиётига эга бўлмаган мамлакатлардан АҚШга олиб кириладиган товарларга нисбатан алоҳида тарифлар ва божлар қўллаш, шунингдек, давлат кредитлари ва кредит кафолатлари беришни тақиқлаш назарда тутилган.

Бугун Ўзбекистон ушбу тузатиш таъсиридан вақтинча («waiver») чиқарилган. Бу масала ҳар йили АҚШ Конгрессидаги тингловларда қайта кўриб чиқилмоқда.

«Дунё» АА.
Вашингтон.

ТАШҚИ МИГРАЦИЯ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

1

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро миграция ташкилоти билан икки томонлама муносабатлар ҳолати ҳамда янги йўналишларни қамраб олган ҳолда ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имкониятлари тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Самарали мулоқотлар натижасида томонлар халқаро шериклик бўйича белгиланган вазифаларни биргаликда амалга оширишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Ўзаро манфаатли масалалар бўйича алоқаларни янада фаоллаштириш, ХМТ ва Ўзбекистоннинг тегишли идоралари ўртасидаги ўзаро ришталарни бундан-да кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Германия:

ИШОНЧЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ШЕРИКЛИК

1 Бу, ўз навбатида, сармоявий муҳитни яхшилаш, юртимиздаги технологик янгиланиш, давлатимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишида кечаётган модернизация жараёнлари учун зарур бўлган қўшма лойиҳалар, бизнес ташаббуслар, шунингдек, илмий-техникавий, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги биргаликда бажариладиган дастурлар амалга оширилишига хизмат қилади. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш мақсадида, шунингдек, Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш бўйича келгуси режалар ижроси юзасидан Германия билан ўзаро ишончли муносабатларни юритмоқда.

Мамлакатларимизнинг сиёсий ҳамда жамоат арбоблари ўртасида барқарор ривожланишга эришиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси ҳамда гендер тенгликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича ўзаро фаол алоқалар мавжуд бўлиб, уларни чуқурлаштиришда миллий парламентлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Бу борада Олий Мажлис ҳамда Бундестагнинг кўп йиллик ўзаро муносабатлари давомида шаклланган бой тажрибаси мавжуд бўлиб, келгуси амалий ишларнинг икки томонлама ва кўп томонлама парламентлараро майдонларда биргаликда амалга оширилиши кутилган натижаларни беради.

ГФР канцлерининг Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишончга асосланган шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва амалий фаолиятга берган юксак баҳоси Меркель хоним томонидан Ўзбекистоннинг бугунги очиқ ташқи сиёсати қизғин қўллаб-қувватланиши далилидир. Ўзбекистоннинг кенг жамоатчилиги Германияни минтақамизни тараққий эттириш ва Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига зарур бўлган инфратузилма ривожи учун аниқ ташаббус ҳамда лойиҳалар илгари сурилишини нафақат қўллаб-қувватлаётган, балки бу йўлда техникавий ва амалий кўмак кўрсатаётган давлат сифатида юқори даражада қадрлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Германия минтақавий ҳамда глобал миқёсда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида қай даражада самарали ишларни амалга ошираётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳамкорлигимизнинг муваффақияти эса, аввало, икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари ва конструктив мулоқотлари самараси, деб биламиз.

Мухтабар ҲУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Олий Мажлиснинг ГФР Бундестаги билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи аъзоси:

— Таъкидлаш жоизки, саноат ва технологиялар борасида глобал иқтисодиётнинг турли тармоқ ҳамда соҳаларда етакчи ўринни эгаллаб келаётган Германия пандемия оқибатларини енгиб ўтиш бўйича халқаро ташаббусларни илгари суришда жаҳон мамлакатларига, шу жумладан, Ўзбекистонга катта амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг бу галги учрашуви кун тартибидан жаҳонда мураккаб эпидемиологик вазият оқибатида инқирозли ҳодисалар кучайиши шароитида мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали риштани янада кенгайтириш масалалари ўрин олгани эътиборга молик.

Иқтисодий шериклик соҳасида қўшма лойиҳалар, ишбилармонларнинг алоқалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, етакчи немис компаниялари ҳамда банк институтларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга келишиб олингани мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Кооперациянинг янги йўналишларини, энг аввало, индустриал кластерлар, рақамлаштириш ва "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш масалаларининг муҳокама қилингани, қайта тикланувчи энергия соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги учрашувини ўтказиш режалаштирилгани келишувларнинг амалийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувнинг энг эътиборли яна бир жиҳати — томонлар мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласида ҳамда Европа Иттифоқи билан конструктив мулоқот доирасида, шу жумладан, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлашни тез фурсатда якунлаш бўйича ишларни давом эттиришга ахдлашилгани бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш каби масалаларга ҳам устувор вазифалар сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан, Германия давлати билан бу борадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилгани ҳуқуқий ислоҳотларимизнинг самарали амалга оширилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, ҳар икки давлат парламентлари ўртасида мулоқот йўлга қўйилганини ёдда тутиш даркор. Яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Германия Федератив Республикаси Бундестаги билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи, Бундестагда эса "Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё" гуруҳи ташкил этилган бўлиб, бажарилаётган ишчил ишлар ўз самарасини бераётир. Бу гуруҳлар фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш, парламентлараро ўзаро тажриба алмашиш, қонун ижодкорлиги амалиётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўтказилган парламентлараро учрашувлар, илмий-амалий конференциялар, ҳуқуқни қўллаш ва қонун ижодкорлигидаги аниқ масалалар юзасидан амалий мулоқотлар тизимлилик хусусиятига эга бўлиб бораётгани миллий парламентаризм ислоҳотларининг барқарор ривожланишига туртки бераётир.

Умуман айтганда, Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг бу галги учрашуви ҳам ҳар доимгидек очиқ ҳамда конструктив муҳитда, ишчан ва дўстона руҳда ўтгани давлатларимиз ўртасидаги дўстликнинг халқаро майдонда ҳам ишончли, муҳим ва узоқ муддатли бўлишидан далолатдир. Икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналиши — сиёсий мулоқот, парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамда бошқа кўплаб соҳаларга доир устувор йўналишлар ва долзарб вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Муқаддас ТИРКАШЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон Германия давлати билан ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаси каби атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш борасида ҳам ўзаро манфаатли шерикликнинг янги даврига асос солди. Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда ушбу соҳаларда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим роль ўйнайди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Германия табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда дунёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Биргина умумий энергетика йўналишида ишлаб чиқарилаётган энергия салмоғида қайта тикланувчи энергия 30 — 40 фоизни ташкил қилмоқда, ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми ва аҳолининг бандлиги "яшил иқтисодиёт" орқали таъминланмоқда.

Мамлакатимиз табиий ер ости ва ер усти бойликларига бой давлат сифатида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ҳамда озиқ-овқат соҳаларида етакчи халқаро миқёсдаги Германия концернлари билан шерикликда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Айни чоғда Германияни Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятининг фаол иштирокчи давлатлардан бири, деб ҳисоблайди ҳамда Оролбўйи ҳудудида биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари суради.

Ўзбекистон Президентининг кооперациянинг янги йўналишларини, энг аввало, индустриал кластерлар, рақамлаштириш масалаларини муҳокама қилиш, қайта тикланувчи энергия соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги учрашувини ўтказиш ташаббуси "яшил иқтисодиёт"ни жадал ривожлантириш имкониятларини яратади.

Қисқача айтганда, икки мамлакат ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибида манфаатдорлик, фойдаланилмаган имконият ва манбаларни ишга солишга алоҳида эътибор қаратилиб, ўзаро муносабатлар ривожи йўлидаги умумий ёндашувлар ишлаб чиқиляпти. Албатта, буларнинг барчаси тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги риштани ривожлантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Жаҳонгир МАМАЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Видеоанжуман давомида Ўзбекистон Президенти ва Германия канцлери икки йил олдин Берлинда бўлиб ўтган юқори даражадаги учрашувлар давомида эришилган келишувларни биргаликда амалга ошириш, икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда барқарор динамикани таъминлаётганини чуқур мамнуният билан таъкидладилар.

Онлайн саммит давомида иқтисодий шериклик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, Германия Ўзбекистоннинг муҳим технологик ва инвестициявий шериги бўлиб келаётгани алоҳида қайд этилди. Қўшма лойиҳалар, ишбилармонлик алоқалари ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Германиянинг етакчи компаниялари ҳамда Ўзбекистондаги банк муассасалари фаолиятини кенгайтириш бўйича бир қатор келишувларга эришилди.

Шу билан бирга, музокаралар давомида томонлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коррупция ҳамда гендер тенглигига қарши курашишда ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини эътироф этдилар.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши, шунингдек, Европа Иттифоқи билан конструктив мулоқот доирасида, шу жумладан, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлашни якунлаш бўйича ўзаро алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,5 баробар кўпайди, 50 га яқин янги қўшма корхоналар ташкил этилди. Ўзбекистонда Германиянинг "MAN", "Claas", "Knauf", "Papenburg" каби машҳур компаниялари фаол ишламоқда. "Volkswagen" ва "Viessmann" компаниялари илк бор юртимиз бозорига кириб келган бўлса, узоқ танаффусдан сўнг "Siemens" ва "Bosch" компаниялари қайтиб келди. Ўтган йили Германия компаниялари томонидан мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 700 миллион доллардан ошди.

Бугунги кунда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар, Савдо ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳ, Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши, Ўзбекистондаги немислар масалалари бўйича ҳукуматлараро комиссия каби институционал механизмлар ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда, 150 дан ортиқ битимлардан иборат кенг қамровли шартномавий-ҳуқуқий база шакллантирилган.

Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида, авваламбор, саноат кластерларини ривожлантириш, рақамлаштириш ва "яшил иқтисодиёт"ни равнақ топтириш, қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш каби янги йўналишларни муҳокама қилиш режалаштириб олинди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коррупция ҳамда гендер тенглигига қарши курашиш каби устувор йўналишларда алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича сиёсати қўллаб-қувватланди. Афғонистондаги тинчлик жараёнини енгиллаштириш ҳамда транспорт ва энергетика соҳасидаги минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш бўйича саъй-ҳаракатлар юқори баҳоланди.

Ўйлаймизки, инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган ёки Ўзбекистон бозорига қизиқиш билдираётган Германия тадбиркорлари билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мувофиқлаштируви остида масъул вазирликлар ҳамда идораларни жалб қилган ҳолда, ҳар бир инвестор ва тадбиркор билан манзилли ишлашни назарда тутадиган ҳамкорликнинг барқарор механизмлари ишлаб чиқилади.

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Кеча Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раиси Т. Норбоева олиб борди.

Ташаббус

Йиғилишда сенаторлар, кенгаш аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши тузилиши, унга Сенат Раиси раҳбарлик қилишини таъкидлаган эди. Шу йил 5 март куни эса давлатимиз раҳбарининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари белгиланди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Шу билан бирга, кенгаш олдида турган вазифалар, жумладан, жойларда муаммоларни аниқлаб, бартараф этишга йўналтирилган ишларни амалга ошириш, аёллар бандлигини таъминлаш, ҳунармандчилик ва тадбиркорликка жалб этиш каби қатор масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгашининг 2021 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси кўриб чиқилди. Жумладан, нотураржойларда истиқомат қилаётган аёллар, отасидан айрилган, ёлғиз онаси қарамоғида бўлган вояга етган қизлар, даволанишга муҳтож хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Йил давомида ҳар бир ҳудудда, асосан, хотин-қизлар ишлайдиган ҳунармандчилик турларига ихтисослаштирилган кластерлар фаолияти тажриба сифатида жорий этилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Ишсиз фуқароларга тизимли ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳаллабай асосда ишларни ташкил этиш мақсадида ҳар бир маҳаллада меҳнат инспекторига "жамоатчи ёрдамчи" жалб қилиш вазифаси белгилаб берилди.

Бундан ташқари, янги рўйхатдан ўтган тадбиркор хотин-қизларга бўш турган биноларни имтиёзли асосда бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш, ижара ҳақининг уч ой мобайнида 2,5 миллион сўмгача бўлган қисмини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаш механизми жорий қилинади.

Тадбирда жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг психологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш, озодликка чиқарилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш чораларини кўриш масалаларига урғу берилди. Хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш, шу мақсадда улар ўртасида грантлар эълон қилиш ҳам белгилаб олинди.

Йиғилишда эрта никоҳ ва эрта туғуруқ, оилалардаги зўравонлик, ажримлар, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти доимий равишда тадқиқотлар ўтказиб бориши белгилаб олинди.

Шунингдек, мазкур йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ЖОЙЛАРДА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг видеоконференцалоқа тарзидаги мажлиси бўлиб ўтди. Парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борган ушбу мажлисда Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимликлар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Сенат Кенгашида

Тадбирда дастлаб Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 17 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирларининг ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори бўйича бажарилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Б. Алихоновнинг ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган жами 1 359 та лойиҳанинг 734 таси ишга туширилиб, 4 535 та иш ўрни яратилди. Айни чоғда шароити оғир 45 та маҳалладаги 302 та оила "темир дафтар"га, 3 261 нафар хотин-қиз "аёллар дафтари"га, 3 464 нафар ёш "ёшлар дафтари"га киритилди. Натижада 296 нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди, 198 нафарининг бандлиги таъминланди, 50 нафари касб-ҳунарга ўқитилди ва 69 нафарига тадбиркорлик учун кредит ажратилди.

Мажлисда эришилган ижобий натижалар билан бирга, ечимини кутаётган муаммолар аниқлангани ҳам айтилди. Хусусан, айрим лойиҳалар ташаббускорларига банклар томонидан кредитлар ажратишда муаммолар юзага келмоқда. Шу билан бирга, Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг халқимиз фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш ишлари етарлича йўлга қўйилмаган. Шароити оғир тоифага киритилган 45 та маҳалланинг бош режа схемаларини ишлаб чиқишда ҳудудларнинг долзарб масалаларига эътибор қаратилмаган. Яъни ичимлик суви таъминоти, пиёдалар йўлакларини қуриш каби бирламчи ва камхарж тадбирлар узоқ муддатларга режалаштирилган.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги "Эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам муҳокама марказида бўлди. Мазкур масала юзасидан Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонованинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Сенати томонидан Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда оилавий ажримларга олиб келадиган асосий омиллар, алимент тайинлаш ҳамда тўлаш тизимига оид муаммолар ўрганилиб, таҳлил қилинди. Унга кўра, 2020 йилда оилавий ажримлар 28 минг 254 тани ташкил қилган ёки қайд этилган никоҳларнинг 10 фоизи бекор қилингани маълум бўлган. Қолаверса, ушбу тизимда алимент миқдори эскича усулларда белгиланиши, боланинг ёшидан келиб чиқадиган эҳтиёжлар, онанинг даромади инобатга олинмагани, даромади белгиланмаган тўловчилар томонидан алимент миқдорини камайтириш мақсадида кам ҳақ тўланадиган ишга номигагина жойлашиш амалиёти кенг тарқалгани, алимент масаласини никоҳдан ажратиш жараёнида ҳал этиш механизмлари йўқлиги ва бошқа муаммолар мавжудлиги аниқланган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда оилавий ажримлар профилактикаси ҳамда алимент тайинлаш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси, унинг ижросига масъул ишчи гуруҳи тасдиқланди.

Етим болалар, ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида комплекс ўрганишни ташкил этиш, бундай болаларга таълим бериш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Етим болалар, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларидан таркиб топган ишчи гуруҳи ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мажлисда уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантиришга доир устувор вазифаларнинг амалга оширилиши устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Юртимизда ўтган тўрт йилда шаҳар ва қишлоқларда арзон уй-жойлар қуриш бўйича қабул қилинган дастурларга биноан, 140 мингта уй-жой барпо этилди. Эътиборлиси, бу аввал қурилган уйларнинг ўртача сонига нисбатан 4-5 баравар кўп. Шунга қарамай, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи юқори. Шу сабабли ҳам жорий йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш, жумладан, давлат ипотека дастури доирасида 45 мингта уй қуриш ва ушбу мақсадлар учун 11 триллион 500 миллиард сўм маблағ ажратиш белгиланди.

Иштирокчилар томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурига мувофиқ, янги қуриладиган кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар учун ипотека кредитлари, субсидиялар ажратиш, бошпанасиз қолган, оғир турмуш шароитига тушиб қолган оилалар ҳамда хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида давлат уй-жой фондидаги тураржойларга вақтинча жойлаштириш, уй-жойлар қуриш учун давлат томонидан аҳолига ҳамда қурувчиларга имтиёзлар, яъни ипотека кредити бўйича имтиёзли давр белгилаш масалаларига урғу берилди.

Имтиёзларни қўллаш бўйича адолатли тизим яратиш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш, муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш, қурилиш сифатини назорат қилиш ва уй-жойлар нархини адолатли шакллантириш устидан парламент назоратини йўлга қўйиш, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда Олий Мажлис Сенати иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги билдирилди.

Йиғилишда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Халқпарвар комиссия тўғрисида намунавий Низом ҳамда мазкур тузилманинг намунавий таркиби тасдиқланди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

1 Адлия вазирлиги ҳисоботида қайд этилганидек, 2020-2021 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Давлат хизматчиларининг умумий ва соҳавий ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида 18 та вазирлик ҳамда идоралар ходимларининг бепул онлайн равишда ўқитилиши ташкил этилган. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга қаратилган 1 415 та ахборот-таҳлилий ва образли медиа материаллар ҳамда видеороликлар тайёрланган.

Шунингдек, тадбиркорларнинг бепул ҳуқуқий маълумот ва маслаҳат олиши учун "Advice for business" юридик портали ишга туширилди. Ҳуқуқий тарғиботда янги лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, "Ҳуқуқий ахборот кунлари" ҳештеги остида 3 900 дан ортиқ тарғибот тадбирлари, "Бепул ҳуқуқий маслаҳат билан ҳар бир уйга" шиори остида ҳуқуқий маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилди. Лойиҳа доирасида 5 857 та маҳалладаги 78 минг 292 та хонадонда суҳбат ўтказилди. "Коррупция — тараққиёт кушандаси" номли иншолар танлови доирасида мактаб, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларининг 17 мингдан зиёд ўқувчи ёшлари қамраб олинди.

Қайд этилганидек, аҳолининг барча қатлами учун уч босқичли "Ҳуқуқ билимдони" танлови доирасида 30 мингдан ортиқ фуқаролар фаол қатнашди. Бундан ташқари, "Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда инновацион технологияларни қўллаш" танлови илк бор уюштирилди. Икки минг нусхада "Кўзи ожиз шахсларнинг ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами" тайёрланди ва мақсадли тарқатилди. Бугунги кунда болалар, ёшлар ҳамда оила учун алоҳида юридик энциклопедиялар вазирлик томонидан тайёрланяпти.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш борасидаги ишларни тизимли ташкил этишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик жуда муҳим. Шу маънода, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳам ҳуқуқий саводхонликни ошириш, уларга ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида "Онлайн маслаҳатчи" тизими яратилди. Қонунчилик янгиликлари рукни остида соҳага доир қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини таҳлилий тарзда, содда тилда алоҳида тушунтириш бўйича 72 ҳуқуқий ахборот эълон қилинди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ва "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш" махсус курси бакалавриат йўналишларида жорий этилди. Ушбу курс 12 соатга мўлжалланган бўлиб, Коррупцияга қарши курашиш, Инсон ҳуқуқлари, Аёл ва бола ҳуқуқлари мавзулари билан бойитилган ўқув қўлланма асосида ўтилади.

Эшитувда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қилинган ишлар бўйича депутатлар ўз муносабатларини билдирди. Шу билан бирга, бу борада ҳудудларда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар келишиб олинди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

лабораторияларидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

1. Умумий эпидемиология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

2. Микробиология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

3. Иммунология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

4. Вирусология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

5. Бактериология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, етакчи илмий ходим — фан доктори ёки фан номзоди (PhD) — 1 ўрин, бош илмий ходим — 1 ўрин;

6. Паразитология ва аллергология лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

7. BSL-лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, етакчи илмий ходим — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

8. Озуқа муҳити лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

9. Юқори технологиялар лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин.

10. Заҳарга қарши зардоблар лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

11. Зардобларни тозалаш ва концентрациясини ошириш лабораторияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин;

12. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган микроорганизмлар миллий коллекцияси: мудир — фан доктори (фан номзоди) илмий даражасига эга — 1 ўрин, катта илмий ходим — 1 ўрин.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар: танловда қатнашиш учун ариза, маълумотнома, диплом ва илмий даражалари дипломи нусхаси.

Ҳужжатларни PDF-шаклда tashrivs@umail.uz электрон манзилига ёки институт маъмуриятига тақдим этишингиз сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чингиз Айтматов кўчаси, 37-уй. Телефон: 71-234-59-87.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 ноябрдаги «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4899-сон қарорининг 6-иловасига асосан ташкил этилган лабораториялар штат бирликларини тўлдириш мақсадида ўтказилади.

Институт илмий ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнат ҳақи тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар 2021 йилнинг 30 мартигача қабул қилинади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 16 март

МАТОНАТ

Пандемиянинг дастлабки кунлариданоқ, бошқарув тизими, барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш тартибига ўтди. Қисқа муддатда Тошкент ҳамда вилоятларда 30 мингдан ортиқ қўшимча койка-ўринлар ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари зарур дори-дармонлар, диагностика асбоб-ускуналари ва замонавий ҳимоя воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашга 200 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари, шунингдек, 150 нафар юқори малакали хорижлик мутахассис жалб этилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва тугатиш учун давлат томонидан умумий қиймати 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тузилиб, коронавирус билан курашиш, аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан 16 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шу билан бир қаторда, давлат корхоналари ва 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилди, деярли 8 миллион нафар фуқароларга солиқ имтиёзлари, кредитларнинг тўлов муддатини кечиктириш ва молиявий ёрдам тарзида умумий миқдори 66 триллион сўмлик кўмак берилди.

Саховатли юртдошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар 1 триллион сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам олишди. Ўз вақтида, тезкорлик билан кўрилган тизимли чора-тадбирлар туфайли хавфли касалликнинг бошқа мамлакатлардаги каби кенг тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

“Кўринмас ёв”га қарши курашнинг стратегия ва тактикаси вазиятни ҳисобга олган ҳолда давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари билан олдиндан такомиллаштирилиб борилди. Мисол учун, ҳимоя ниқоби тақиш керакми, деган савол кўпгина мамлакатларда ҳали муҳокама қилинаётган даврдаёқ, Ўзбекистонда тиббий ниқобни тақиш мажбурийлиги ҳақидаги қарор 23 мартда қабул қилинди. Тезкор равишда тикув-тўқимачилик корхоналари фаолияти шунга йўналтирилди. Натижада фабрикалар кунига бир неча миллион дона шундай ҳимоя воситасини ишлаб чиқара бошлади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон раҳбари пандемияга қарши кураш бўйича минтақада ва бутун дунёда ҳамкорликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш қанчалик муҳим экани бўйича шахсий ўрнак кўрсатди. Шавкат Мирзиёев мунтазам равишда Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан телефон орқали сўзлашувларни ўтказиб турди. “Озодлик радиоси” шарҳловчиси Брюс Паньер эътироф этганидек, “Агар Марказий Осиёда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга фаол интиладиган масъул инсон битта бўлса, у Ўзбекистон Президентидир”.

Тажриба эътироф этилди

Албатта, кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Президентимиз таъкидлаганидек, афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам кутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди... Халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона енгиб ўтмоқдамиз.

Ўзбекистон вазиятни назорат қилаётганлиги, пандемия оқибатларини тугатишга эришаётганлигини нафақат бутун Ер юзи миқёсидаги статистика, балки хорижлик мутахассисларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Туркиянинг ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доиралари мамлакатимизнинг COVID-19га қарши кураши, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва ишчанлик муҳитини рағбатлантириш чора-тадбирларини катта қизиқиш билан кузатиб боришмоқда. Жумладан, “Detay-Press” таҳлилий портали ўз материалларида республикамиз раҳбариятининг глобал пандемия шароитида иш ўринларини сақлаб қолиш ва иқтисодий инқирознинг олдини олиш бўйича йўналишларидаги тажрибаси ҳам эътироф этилди. Масалан, яқинда Афғонистондан 20 нафар тиббиёт ходими мамлакатимизга келди. Улар шифохона ва поликлиникаларда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, маҳорат дарслари ва тренингларда иштирок этишди. COVID-19га қарши курашда қўлланилган замонавий, самарали усуллардан ўз мамлакатларида фойдаланишади.

> Ўзбекистон раҳбари пандемияга қарши кураш бўйича минтақада ва бутун дунёда ҳамкорликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш қанчалик муҳим экани бўйича шахсий ўрнак кўрсатди. Шавкат Мирзиёев мунтазам равишда Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан телефон орқали сўзлашувларни ўтказиб турди. “Озодлик радиоси” шарҳловчиси Брюс Паньер эътироф этганидек, “Агар Марказий Осиёда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга фаол интиладиган масъул инсон битта бўлса, у Ўзбекистон Президентидир”.

Ҳаракат учун қўлланма

Глобал офатни енгишга фақат умумий, ҳамжиҳатликда амалга оширилган саъй-ҳаракатларгина ёрдам бериши муқаррар эди. Президент Шавкат Мирзиёев бу даҳшатли пандемия билан бирор-бир давлат ёлғиз кураша олмаслигини, бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тамойиллари ҳаракатлар учун қўлланма вазифасини ўташи лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари пандемияга қарши кураш бўйича минтақада ва бутун дунёда ҳамкорликдаги ёндашувларни ишлаб чиқиш қанчалик муҳим экани бўйича шахсий ўрнак кўрсатди. Шавкат Мирзиёев мунтазам равишда Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан телефон орқали сўзлашувларни ўтказиб турди. “Озодлик радиоси” шарҳловчиси Брюс Паньер эътироф этганидек, “Агар Марказий Осиёда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга фаол интиладиган масъул инсон битта бўлса, у Ўзбекистон Президентидир”.

Қийин вазиятда бизнинг мамлакатимиз қардош республикаларда бир қатор ижтимоий соҳа объектларини, жумладан, тиббий муассасаларни қуриб берди, шифокорларимиз ҳам у ерга ёрдамга боришди. Ўзбекистон, шунингдек, бошқа бир қатор давлатларга инсонпарварлик ёрдами юборди.

Жумладан, Россияга ҳам шундай юклар жўнатилди. “Михаил Мишустин Ўзбекистон ҳукуматига ҳимоя ниқоблари ва коронавирус инфекциясига қарши курашишда зарур бўлган бошқа анжомларни жўнатгани учун миннатдорлик билдирди ва бу инсонпарварлик ёрдами Россия — Ўзбекистон муносабатларидаги ҳамкорлик характерини яна бир бор тасдиқлади”, деб ёзилди РФ ҳукуматининг хабарида.

Ўзбекистондан юборилган дўстлик ёрдами Беларусь фуқароларида ҳам миннатдорлик туйғуларини уйғотди.

— Барча давлатлар кўмакка эҳтиёж сезиб турган, ҳимоя воситалари ҳаммага етишмаётган бир даврда Ўзбекистон ёрдам кўрсатди, — деган эди ўшанда академик Аркадий Шкляр. — Биз ўзбек халқининг буюклиги, олижаноблигига яна бир бор амин бўлдик, унинг раҳбари шундай қийин пайтда ёрдам қўлини чўзди.

Дипломатияда ҳам Ренессанс

“Бизни ўлдирмайдиган нарса, бизни янада кучлироқ қилади”, деб ёзган эди немис файласуфи Фридрих Ницше. Бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил қилсак, бу сўзларнинг амалда ўз исботини топаётгани маълум бўлади.

Пандемия авжига чиққан йил давомида йўқотишлар кўп бўлди. Лекин мамлакатимиз олға интилишда давом этмоқда. Миллий ғояга айланган тикланиш янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Тарихда Буюк Ипак йўли ўтган ўлкамиз ҳамиша меҳмондўстлиги билан ажралиб турган. Айни вақтда ҳам, кўпгина чегаралар ёпиқлигига қарамай, Ўзбекистоннинг тўрт йил аввал танлаган ва ташқи сиёсатдаги халқаро ҳамкорликка асосланган очиқлик тамойили ўзгармай қолмоқда.

Ташқи ишлар вазирлигининг ҳисоботига кўра, 2020 йилда Туркия ва Россия Федерациясига расмий ташрифлар, Ўзбекистон Президенти номидан хорижий меҳмонлар қабули, 80 дан ортиқ юқори даражадаги онлайн-мулоқотлар амалга оширилди. БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ, ЕОИИ сингари етакчи халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар билан ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Биргина МДҲ доирасида бизнинг мамлакатимиз раислиги даврида 60 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Ташқи ишлар вазирлигининг статистикаси жорий йилда ҳам муҳим воқеаларга бой бўлишидан дарак бермоқда. Масалан, ўтган ҳафтанинг ўзида иккита олий даражадаги учрашув бўлиб ўтгани ҳам буни тасдиқлайди.

Биринчиси — Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг ташрифи. Эпидемиологик вазият учрашувни оффлайн форматда ўтказиш, бу эса кун тартибига кўпроқ масалаларни киритиш имконини берди.

Эксперт ва кузатувчилар икки давлат Президентларининг ҳамкорлигига юқори баҳо беришди. Қирғиз Республикаси Президентининг матбуот котиби Галина Байтерек қайд этганидек, ташриф, шубҳасиз, самарали бўлди. Айтиш мумкинки, Садир Жапаров ва Шавкат Мирзиёевнинг учрашуви ўзаро муносабатларни қайта тиклаб, ҳамкорликни мутлақо янги сифат даражасига кўтарди.

Қўшимча қиладиган бўлсак, бу шундай даражаки, қардош халқлар ўртасида ечилмаган муаммо қолмади. Масалан, чегараолди баҳсли ҳудудлар, анклав ҳудуд билан қатновлар масаласи узоқ вақтдан бери ечилмай келаётган эди. Энди музокаралар давомида намоён этилган сиёсий ирода туфайли ушбу муаммо ўтмишда қолди.

Ўзбекистон Президентининг қўшни давлатлар раҳбарлари билан мулоқотини Осиё ва Африка институтининг Қуддусдаги Исроил университети ходими, фан доктори Владимир Месамед шундай эътироф этади:

— Бугунги кун Ўзбекистони ҳақида фикр юритар экансиз, у яқин қўшнилар билан муносабатларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида қанчалик кўп иш қилаётганига амин бўласиз, — дейди у. — Кўз ўнгимизда янги Марказий Осиё, яъни барча қўшниларнинг узвий ҳамкорлиги ҳукм сураётган минтақа вужудга келмоқда, у ерда илгари мавжуд бўлган келишмовчиликлар ўтмишда қолиб, конструктив ҳақиқатга йўл очиб бермоқда.

Ҳа, ўтмишда Шарқ билан Ғарбнинг савдо, иқтисодий, маданий алоқалари Буюк Ипак йўли орқали йўлга қўйилган ва бунда Ўзбекистоннинг шаҳарлари ушбу асосий “қон томирлари”нинг юраги ҳисобланган. Минг йиллар илгари ўрнатилган тартиб бизнинг давримизда ҳам долзарб бўлиб, қайта тикланишга юз тутди. Қарангки, қирғиз Президентининг ташрифи якунланган куннинг ўзида Шавкат Мирзиёев Германия Федереал канцлери Ангела Меркель билан онлайн-саммит ўтказди.

Германия Бундестаги Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш қўмитасининг раиси Петер Рамзауэр учрашув натижаларини шарҳлар экан, Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп бўлган мамлакати ҳисобланувчи Ўзбекистон минтақадаги иқтисодиёт, савдосизлик ва барқарор ривожланиш масалаларида ҳал қилувчи давлатдир, деб айтди.

— Сўнгги йилларда республикада ислоҳотлар жараёни бошланиши билан янги тараққиёт босқичи кузатилмоқда, — деб ҳисоблайди у. — Германия Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистондаги ҳатто пандемия ҳам секинлаштира олмаган янгиланиш жараёнлари йирик сиёсий етакчилар эътиборидан четда қолгани йўқ. АҚШ Президенти Жозеф Байден Шавкат Мирзиёевни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан қутлар экан, “Кейинги йилларда Сиз муҳим ислоҳотларни амалга оширдингиз ва менинг Администрациям бу муваффақиятни давом эттириш учун мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр”, деб айтди.

Қийинчиликлар туфайли ўзига ва келажакка, ўз куч-қудратига ҳамда мақсадларига эришишга бўлган ишончни йўқотмаслик бугунги мураккаб даврнинг бош синовидир. Бунда халқимизга азал-азалдан хос бўлган бирдамлик ва матонат, келажакка интилувчи одамларнинг тарихий хотирасига муҳрланган эзгу ҳислатлар ёрдам бермоқда.

Ўткир РАҲМАТ.

БИЛИМ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Шу йилнинг 13-14 март кунлари ушбу шиор остида математика фанидан “Қўқон олимпиадаси”нинг республика босқичи ташкил этилди.

Таълим

Ушбу билимлар беллашуви Қўқон университети ташаббуси асосида “Қоракўл зиё” нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорликда республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилди.

Хусусий сектор вакиллари томонидан мамлакатимизда илк бор уюштирилган ана шундай нуфузли олимпиада Президентимиз томонидан аниқ фанларни ривожлантириш, ёшларнинг билимга, илмга ва инноваторлик ғояларини яратишга бўлган қизиқишларини янада ошириш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ҳаётбахш даъватига жавобан ташкил этилди.

Ёш математикларнинг ушбу мусобақасида мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактаблари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган ҳамда хусусий мактабларнинг 5, 6, 7-синф, 8, 9-синф ва 10, 11-синф, академик лицейларнинг 1, 2-босқич ўқувчилари зўр қизиқиш билан фаол иштирок этди.

Олимпиаданинг туман-шаҳар босқичида 60 мингга яқин ва ҳудудий (вилоят) босқичида 6 минг 100 нафар ўқувчи ўз билимларини синаб кўрган.

Дастлабки босқичлар якунларига мувофиқ, ҳар бир ҳудуддан учта гуруҳ бўйича энг юқори 5 ўриндан жой олган 15 нафардан, жами 220, шунингдек, академик лицейлардан 61, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблардан 53 нафар ўқувчи олимпиаданинг финал босқичига чиқди.

Билимлар беллашуви ғолиблари икки босқичда аниқланди. Жумладан, ўқувчилар биринчи босқичда ёзма иш топшириқларини бажаришди. Иккинчи босқичда тест синовлари ўтказилди. Имтиҳонлар шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида онлайн режимда трансляция қилинди. Яъни ўқувчиларнинг ота-оналари ва яқинлари вазиятни тўғридан-тўғри кузатиб бориш имконияти яратилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, 5, 6, 7-синфлар ўртасида Тошкент шаҳридаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Аслбек Суннатов “Қўқон олимпиадаси”нинг ғолиби деб топилди ва “Nexia” автомобили билан тақдирланди.

8, 9-синфлар ўртасида эса Қоракўл туманидаги халқаро математика мактаби ўқувчиси Анварбек Раҳматов ғолибликка эришди ва унга ҳам “Nexia” автомобили топширилди.

10, 11-синфлар ва академик лицейларнинг 1, 2-босқич ўқувчилари ўртасида эса Хива шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Сарвар Сапарбоев биринчи ўринчи қўлга киритди ва унга “Cobalt” автомобили берилди.

Барча гуруҳлар бўйича 2 ва 3-ўринни қўлга киритган ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, ўз гуруҳлари бўйича юқори ўнта ўриндан жой олган 10 нафардан — жами 30 нафар ўқувчига Қўқон университетига грант асосида ўқишга қабул қилиш бўйича Инвестицион ваучер тақдим этилди.

Бундан ташқари, “Қоракўл зиё” нодавлат ўқув муассасаси томонидан гуруҳлар бўйича энг юқори баллни қўлга киритган ўн нафар ўқувчи-номзодга математика ва бошқа фанлардан қўшимча билим олиш бўйича бир йиллик бепул ўқиш сертификати топширилди.

Олимпиада доирасида маданий кўнгилочар дастурлар, Қўқон университети талабаларининг математикага оид саҳна кўринишлари, санъаткорларнинг чиқишлари, тарихий-маданий обидалар, хусусан, Қўқон маданияти ва тарихи музейи жойлашган Худоёрхон Ўрда саройига саёҳат ташкил этилди.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш юзасидан 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 35 та лойиҳа ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4845-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан республиканинг барча ҳудудида маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни давлат-хусусий шерикликнинг янги модели асосида бошқариш бўйича лойиҳа концепциялари ишлаб чиқилмоқда.

2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида **жами 35 та лойиҳа**, жумладан, Андижонда 7 та, Самарқандда 1 та, Сирдарёда 2 та, Жиззахда 3 та, Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, Сурхондарёда 2 та, Хоразмда 3 та, Қашқадарёда 7 та, Наманганда 1 та, Фарғонада 1 та ва Тошкент вилоятида 7 та давлат-хусусий шериклик лойиҳа концепциялари ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларини жалб этиш учун эълон қилиниши режалаштирилган.

Ҳозирги кунгача Самарқанд вилоятида битта ҳамда Андижон вилоятида битта давлат-хусусий шериклик лойиҳалари юзасидан тендер ўтказиш ҳақидаги эълонлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг eco.gov.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилган бўлиб, батафсил маълумотларни мазкур сайтнинг эълонлар бўлимидан ёки
71-207-07-70 (1072#, 5003#)
телефонларига қўнғироқ қилиб, олиш мумкин.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Педиатрия факультети бўйича:
- Болалик даври асаб касалликлари кафедраси: доцент;
- Наркология ва ўсмирлар психопатологияси кафедраси: доцент;
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: профессор, доцент, ассистент;
- 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: доцент, ассистент;
- Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедраси: доцент;
- Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси: ассистент.

Терапия факультети бўйича:
- 1-Ички касалликлар кафедраси: доцент, ассистент;
- Кардиология ва геронтология кафедраси: доцент;
- Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси: кафедра мудири, ассистент;
- Эндокринология кафедраси: кафедра мудири.

Хирургия факультети бўйича:
- Онкология кафедраси: кафедра мудири, доцент, ассистент;
- Анестезиология ва реаниматология кафедраси: доцент, ассистент;
- Оториноларингология кафедраси: кафедра мудири, ассистент;
- Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси: катта ўқитувчи;
- Травматология ва ортопедия кафедраси: доцент;
- Урология ва андрология кафедраси: доцент;
- Ультратовуш диагностикаси кафедраси: катта ўқитувчи;
- Ультратовуш диагностикаси курси: ассистент;
- 1-Стоматология кафедраси: ассистент;
- Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси: ассистент;
- Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси: доцент;
- Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси: доцент.

Тиббий профилактика ва УАВ факультети бўйича:
- Болалик даври юқумли ва паразитар касалликлари кафедраси: ассистент;
- Юқумли касалликлар кафедраси: доцент;
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси: катта ўқитувчи, стажер-ўқитувчи;
- Эпидемиология кафедраси: доцент;
- Халқ табобати курси: курс раҳбари — доцент;
- Нейрореабилитация кафедраси: доцент;
- Гигиена кафедраси: кафедра мудири.

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети бўйича:
- Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Валеология кафедраси: ассистент;
- Ижтимоий тиббиёт кафедраси: стажер-ўқитувчи;
- Ҳарбий-тиббий экспертиза курси: курс раҳбари — доцент, стажер-ўқитувчи;
- Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари кафедраси: ассистент.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: 71-267-60-74.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6